

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ**

**“МАЪНОЛАР ОТАСИ”
ЁХУД ШОИР БЕДИЛ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
КУТУБХОНАСИ**

**“МАЪНОЛАР ОТАСИ”
ЁХУД ШОИР БЕДИЛ**

Мирзо Абдулқодир Бедил таваллудининг

365 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик кўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

78.342 (5Ў)

М 34

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	М.Матмурадова
Муҳаррир	Шукур Курбон
Масъул муҳаррир	Ж.Пардаев
Матн терувчи	З.Жалилова

Маънолар отаси ёхуд шоир Бедил: Мирзо Абдулқодир Бедил таваллудининг 365 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиогр. кўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмурадова; Муҳаррир Шукур Курбон; Масъул муҳаррир Ж.Пардаев: -Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009.-32 б.

КБК 78.342(5Ў)+83.3(5)

Ушбу методик-библиографик кўлланма шарқ шеърятининг буюк мутафаккири, шоир ва адиб Мирзо Абдулқодир Бедил таваллудининг 365 йиллигига бағишланган. Кўлланмада шоир ижодий меросини чуқур ўрганиш ва уни тарғиб қилишда кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳамда адабиётлар рўйхати берилган.

Кўлланмадан кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари мутахассислари ҳамда шу соҳага қизиқувчи китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

МУҚАДДИМА

Мирзо Абдулқодир Бедил шахсияти туркий, форсий
ҳамда Ҳиндистон халқларини бирлаштириб турган
силсиланинг узилмас халқасидир.

Матназар Абдулҳаким

Шарқнинг улкан ва забардаст шоирлари сирасидан муносиб ўрин эгаллаган
Мирзо Бедил форс-тожик адабиётида мумтоз адиб, жамиятшунос ва
табиатшунос, файласуф олим сифатида шуҳрат қозонган мутафаккирдир.

Мирзо Бедил ўзининг серқирра поэтик ижоди билан Ҳиндистон,
Афғонистон ва Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ва бадиий тафаккури
тарихида муҳим роль ўйнаган, ҳаётлигидаёқ Ҳиндистоннинг фозил ва
донишмандлари, шеършунос ва тазкиранавислари диққатини ўзига жалб этган
файласуф шоирдир.

Ўрта асрлар давомида яратилган форс тилидаги улкан бадиий адабиёт ҳам,
фалсафий асарлар ҳам, луғатлар ҳам, ахлоқ-одобга оид кўпгина рисолалар ҳам
мана шу давлатлар халқларининг мероси саналса, унинг Мирзо Абдулқодир
Бедил каби забардаст вакили ўзбек, тожик, афғон халқлари маънавий ҳаётида
чуқур из қолдирди, унинг ижоди Ўрта Осиё мактабларида Ҳофиз, Навоий,
Фузулий девонлари қаторида ўрганилди.

Мирзо Бедилнинг асарлари умумбашарийлиги ва ҳамма даврлар учун
ҳозиржавоблиги билан барчани мафтун этиб келмоқда, шунингдек, барча
туркий миллатлар, жумладан, ўзбекларнинг ҳам маънавий мулкига айланган.
Мирзо Бедил асарлари форсий тилдан қайта-қайта ўзбек тилига таржима
қилиниб, нашр этилди ва нашр этилмоқда.

Унинг асарларида дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолат, илм-маърифат,
меҳр-мурувват ва одамийлик каби эзгу туйғулар қаламга олинган.

2009 йилда Мирзо Бедил таваллудига 365 йил тўлади. Бу тантанани Шарқ
халқлари қаторида ўзбек халқи ва адабиёт аҳли ҳам муносиб нишонлайдилар.

Кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари Мирзо Бедил
ижодини янада кенгроқ ўрганиш ва тарғиб қилиш китоб тақдимоти,
китобхонлар конференцияси, савол-жавоб кечалари, давра суҳбати,
билимдонлар беллашуви, ғазалхонлик, мавзули ва мунозара кечалари, учрашув
кечаси, хотира соати, китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори сингари тадбирлар
ўтказишлари мумкин.

Бундай тадбирлар туркумини ташкил этиш учун филологлар,
адабиётшунослар, файласуфлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар,
таржимонлар ҳамда адабиёт ўқитувчиларини жалб қилиш лозим.

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ҳаёти ва ижоди (1644-1721)

Мирзо Абдулқодир Бедил ўтмишнинг забардаст мутафаккирларидан бўлиб, Ўрта Осиё халқлари орасида кенг шуҳрат қозонган. Унинг кўп қиррали ижодида Мовароуннаҳр ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқаларнинг ифодаси бор: бу халқларнинг бир-бирларига самарали таъсири, инъикоси мавжуд.

Мирзо Бедил форс-тожик адабиётида мумтоз адиб, ажойиб новатор, файласуф олим сифатида шуҳрат қозонди. Мирзо Абдулқодир Ҳиндистонда Банголиянинг Азимобод шаҳрида 1644 йилда ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келган.

Мирзо Бедил кунтли, тиришқоқ, меҳнатсевар, қобилиятли ва истеъдодли бўлганидан ёшлигиданоқ араб тилида машҳур “Қофия” китобини яхши ўзлаштириб олган ва форс-тожик адабий тилини мукаммал билган. У зийрак ва тийрак бола ёшлигиданоқ илму фанга катта қизиқиш зоҳир этади, у беш ярим ёшида мактабга боради ва етти ёшидаёқ савод чиқаради.

Унинг ота-боболари Ўрта Осиёлик бўлиб, Шаҳрисабз ўзбекларидан эдилар. Абдулқодир отадан бир ярим ёшида етим қолиб, ўз меҳрибон онаси ва амакилари Мирзо Қаландар ва Мирзо Зариф тарбиясида мустақил равишда ўз устида ишлайди, билимини кенгайтириб, ўстириб, юксалтириб, бойитиб боради.

У ёшлигидан турли фанларга қизиққан. Шайх Камол, шоҳ Фозил ва Мирзо Абулқосим каби олимлардан таълим олган. Ҳиндистон бўйлаб кўп саёҳат қилган, 1685 йилдан умрининг охиригача Деҳлида яшаган. Форс тилида ижод қилган. Араб, форс, ҳинд, урду тилларини мукаммал билган, шарқ халқлари адабиётини, тасаввуф ва юнон фалсафасини, айниқса Аристотель фалсафасини атрофлича ўрганган. 10 ёшидан бадиий ижод билан шуғулланган. Мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда яшаб-ижод қилган шоир ўз даврига бефарқ қарамаган, ҳиндлар ва мусулмонларнинг тинч-тотув яшашни, юртни обод, халқни тинч-осойишта, фароғатда, ҳамжиҳатликда қўришни орзу қилган. Инсон эркинлиги, тафаккури ҳақида фалсафий фикрлар баён этган. Унинг фалсафий-ахлоқий қарашлари тасаввуф ақидалари таъсирида шаклланган. Бедил дунёқараши тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд таълимотига асосланади, яъни оламни Аллоҳнинг кўзгуси, инсон қалбини шу кўзгунинг маркази деб билади. Қалб қанчалик сайқал топса, у шунча Аллоҳ нуруни акс эттиради. Шу боис инсон буюк ва қудратлидир. Аммо бунининг ўзи англаши лозим дейди.

И.Мўминов берган маълумотларга кўра, Мирзо Бедил савияси кенг, фаросати чуқур ёзувчи, зўр социолог эди. Унинг асарларида ижтимоий ҳаёт, замона-ижтимоий турмуш масалалари у ёки бу тарзда ўз инъикосини топди.

Мирзо Бедил ўз асарларида шоҳларни мактамади, шахзодалар шаънига шеър

айтмади, балки у деҳқончилик ва деҳқонлар ҳақида, касб ҳам косиблар ҳақида ҳурмат ва эҳтиром билан шеърлар тўкиди, ғазаллар ёзди. Мирзо Бедил “ғайб” масалалари, диний ақида-ақоидлар ҳақида эмас, балки реал жамиятга оид масалалар ҳақида ўйлади.

Шоир “Ирфон” достонида қуйидагича ёзади:

Мешавад сози нусхаи “Ирфон”,
Қиссае аз таважжуҳи инсон.
К-ин фусун-гар че сеҳр меборад?
В-ин қиёмат чи фитна мекорад?

Маъноси: “Ирфон” созида инсонга ҳурмат-эҳтиром созидан нусха берилади, токи маълум бўлсин-ки, бу қизиқчи (инсон) қандай сеҳрлар яратади ва бу қиёмат – бу ғавғочи (инсон) қандай фитналар чиқаради. Яъни инсон қандай мўъжизалар кўрсатур ва қандай жанжалу ғавғолар кўтарур.

Мирзо Бедил табиат ҳодисаларини кузатар, ўрганар, таққослаб таҳлил қилишга ҳам уринар эди. У табиат илмининг бирор соҳаси устида махсус тадқиқот олиб борган эмас. Бироқ Бедил табиат ҳодисаларининг айримлари ҳақида чуқур фикрлар юритиб, улар ҳақида гениал гипотезалар – фаразиялар ярата олган.

Жумладан, Бедилнинг ўсимликлар дунёси – наботот олами ҳақидаги фикрлари ҳам киши диққатини ўзига тортади. Олим, ўсимлик дунёси турлитумандир, ўсимликлар илдизлари кучларининг намоиши, мевалари эса олтин зарраларининг нишонидир дейди. Ўсимликлар сезиш қобилиятига эга бўлиб, сув ва ёруғликка интилади. Бу ажойиб хислатни Бедил қизиқ ўхшатишлар билан исбот қилади: боғдами ёки чўлдами – ўсимлик оловга эмас сувга интилади: тошлар орқали, қалин деворлар орқали бўлса ҳам, ёруғлик томон ҳаракат қилади.

Бедил ўсимликда сезги борлигини мана шундай тушунтиради: ҳаво салқин вақтда ўсимликларнинг саҳрода ўсганини кўрган бўлсанг, кеч улар ўралади, гўё ниқобланади, эрталаб эса қуёшга боқади. Бу ҳолни камчиликсиз гулиофтобпараст (қунгабоқар)да ҳам кўриб бўлади.

Мирзо Бедил ўзининг “Ирфон” асарида ҳаётнинг, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда инсоннинг келиб чиқиши тўғрисида, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонлар ҳаётининг бир-бирларига ўзаро боғланганликлари тўғрисида, махсус объектив қонун, хусусийланиш, фарқланиш (имтиёз) қонуни борлиги тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

Бедил халқ ҳаётини яқиндан ўрганди, замон эврилишлари ва мунофиқликларни кўрди, буларни ўз ижодида акс эттиришга, инсонларни доимо юксакликда, иттифоқлик ва меҳр-мурувватликда бўлишга чақирди, бу туйғуларни гоҳ ошкор, гоҳ кинояли, гоҳ ташбеҳлар воситасида қалбларга етказишга ҳаракат қилди.

Манбаларда берилишича, Бедил ҳазратлари 130 минг мисрадан ортиқ шеърӣ, эллик босма табоқ ҳажмда насрий мерос қолдирган. Шоирнинг асосий шеърӣ асарлари жамланган “Қуллийёт”и, шунингдек, “Тилсими ҳайрат”, “Таркибот ва таржеёт”, “Муҳити аъзам”, “Тури маърифат”, “Ишорат ва ҳикоёт”, “Рикаъот”, “Чор унсур”, “Ирфон”, “Нукот”, “Ғазалиёт”, “Рубоиёт” каби назмӣ ва насрий асарлари мавжуд.

Энг долзарб жанр ҳисобланган рубоӣлар ёзишда ҳам Мирзо Бедил катта меҳнат қилди. Унинг 3861 рубоӣӣ ёзиб қолдирганини айтадилар.

Бедил Деҳлида ўттиз йил яшайди, шу давр мобайнида сермаҳсул ва

сермазмун ижод қилади, адабий ва фалсафий асарлар яратади, ўз асарларини “Қуллиёт”га тўплаб, ўзи кўчиради ҳамда ўткир зеҳн ва идрокининг ажойиб маҳсулотини халққа тортиқ қилади.

Мирзо Абдулқодир Бедил 1721 йил 5 декабрда дунёдан кўз юмади ва Ҳиндистон халқларининг одатига кўра, буюк сиймо сифатида танилгани туфайли ўз уйига дафн этилади.

Шоир ўзининг олижаноб фикр ва ғояларини, оддий инсонларга бўлган меҳр-шафқатини ва айни пайтда, қабоҳат ва истибдоднинг жирканчлигини, эркин орзу ва ҳаёллар ошиғи эканлиги ўзининг “Комде ва Мудан” достонида маҳорат билан тасвирлаб беради. Асардаги раққоса Комденинг гўзаллигини ва унга ошиқ бўлиб қолган кўшиқчи ва чолғучи ёш Мудан севги-муҳаббатини бутун сеҳру жозибаси билан тараннум этган. Достон ҳақиқий севги, инсон кадри, истеъдоднинг мислсиз қудрати ҳақидаги гўзал асар бўлиб, у ҳар бир авлодни шундай юксак туйғулар, ишққа садоқат ва гўзаликка тан бериш сари илҳомлантираверади. Шунингдек, достонда дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолат, илм-маърифат масалалари ҳам акс этган.

Бедилнинг ижтимоий масалаларга оид қарашларида маърифатпарварлик, мурувват ва одамийлик асосий ўринни эгаллайди.

Ҳиндистон билан Туркистон ўртасида қадимдан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқа бўлган. Бу Туркистонда Бедил асарларининг тарқалишига кенг йўл очган, аммо турли ижтимоий гуруҳ вакиллари шоир меросидан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. Бедил асарларида Туркистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги алоқага доир маълумотлар ҳам кўплаб учрайди. У “Чор унсур” асарида Жайхун (Амударё), Туркистон тўғрисида, Самарқанддан Ҳиндистонга қавм-қариндошлари келганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтиради. Жумладан, Матназар Абдулҳаким “Чор унсур”нинг таржимаси жараёнида Хоразм шаҳру кишлоқларига сафарлар қилганимизда ҳам бу эътиборнинг шоҳиди бўлди дейди.

Бедил асарлари айниқса XIX асрдан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Унинг фалсафий фикри бойлигидан Туркистонда “Абулмаъоний” (“Маънолар отаси”) деган ном олган. Унинг китобларини ўқиб берувчилар “бедилхонлар” деб аталган. Фурқат, Муқимий, Аваз, Аҳмад Дониш, Ҳислат ва бошқалар ўз ижодида Бедилнинг илғор фикрларидан фойдаланганлар. Аҳмад Дониш Бедилнинг илғор ижтимоий-фалсафий ғояларини ўрганган, улардан ижтимоий ҳаётдаги камчиликларга қарши олиб борган курашида фойдаланган, илғор ғояларни оммалаштиришни ўз бурчи деб билган. Фурқат эса шоирнинг фан, маърифат, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳақидаги ғоясини ўрганган, улардан дунёвий билимларни ўрганиш, халқни маърифатга чорлашда самарали фойдаланган.

Бедилнинг ижтимоий тузум ҳақидаги қарашлари Муқимий, Асирий ва бошқа мутаффакирларни ҳам қизиқтирган.

Жаҳон шарқшунослик фанида Бедил ҳаёти ва ижодига бағишланган ишлар кўлами ва илмий савиясини кўз олдимизга келтирар эканмиз, олимларнинг олиб борган ишларини илмий-назарий жиҳатдан ҳам, методологик тадқиқ нуқтаи назаридан ҳам биринчи ўринга қўйишимиз зарур. Бу борада XX асрнинг етук бедилшунос олими, устоз С.Айнийнинг хизматлари бекиёсдир. С.Айний жаҳон бедилшунослик фанида биринчи бўлиб монография ёзган улкан адабиётшунос ва забардаст ёзувчидир. Унинг тадқиқотлари 1946-1947 йиллар давомида матуботда эълон қилиниб, 1854 йили “Мирзо Абдулқодир Бедил” номида китоб ҳолида босилди.

Ўзбекистонда Бедил ижоди бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Айниқса, бу ўринда файласуф олим И.М.Мўминовнинг илмий ишлари ва “Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари” рисоласини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Муаллиф ушбу асарни ёзишда Бедил поэтикасидан кўпгина мисоллар келтириб, ўз фикр-мулоҳазаларини шеърӣ далиллар мисолида қувватлайди.

Ўзбек шарқшунос олимларидан профессор Ш.М.Шомуҳамедовнинг Бедилга бағишланган мақолалар туркуми, шоир лирик меросидан қилган таржималари тақдирлашга лойиқдир. Чунки ана шу тадқиқот ва таржималар туфайли кенг ўзбек китобхонлари Бедил ижоди билан яқиндан танишдир. Шунингдек, XX асрнинг 70-йилларида И.Низомиддиновнинг “Мирзо Абдулқодир Бедил” (1970), Ш.Шукуровнинг “Мирзо Бедилнинг поэтик мероси” (1979) каби рисоалари яратилди. Ушбу асарларда Бедилнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикрлар юритилган.

Мустақиллик йилларида Мирзо Бедилнинг ғазаллари, ҳикматлари, рубоийлари форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, республика вақтли матбуоти саҳифаларида чоп этилди ва этилмоқда.

2005 йилда Бедилнинг “Шавқингни ёд этиб” ғазаллар, рубоийлар ва дostonлари тўпланиб нашр этилди. Шунингдек, 2007 йилда Матназар Абдулҳаким томонидан ғазаллари форсийдан ўзбек тилига таржима қилиниб, “Хумо парвози” номли китоби чоп этилди.

Бедил асарлари театрларимиз саҳналаридан, кино экранларидан ҳам жой олди. Ёзувчиларимиз Ш.Рашидов, В.Виткович самимий севги ва вафодорлик қиссаси бўлган “Комде ва Мудан” дostonи асосида киносценарий ёздилар, ушбу сценарий асосида кинорежиссёр Комил Ёрматов бадиий фильм яратди.

С.Айний номидаги тожик Давлат опера ва балет театри саҳнасида “Комде ва Мудан” (композитор З.Шоҳидий, либретто автори А.Деҳқоний) операси муваффақият билан саҳнага қўйилган. Ушбу асар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоир Душан Файзий либреттоси асосида Самарқанд опера ва балет театри саҳнага қўйди.

Бедил рубоийларидан намуналар

Авф эт халқдан келса яхшию ёмон,
Адоватдан қочиб, роҳат қил, инсон!
Кибру ҳасад бермас кишига ором,
Одамни менсимай қувилди шайтон.

* * *

Оина кўрганда ўзин беғубор,
Шодликдан минг рангда бўлур жилвакор.
Инсон мижозида чул очди билим,
Гулласин деб саҳро бағрида баҳор.

* * *

Инсон дафтарида варақ бу жаҳон,
Одам кабобининг тутуни осмон.
Икки жаҳон унган уруғни билсак,
Киши ҳаёлидан етишган бир дон.

* * *

Поёнсиз билим-ку, сенда мужассам,
Анқодан буюкроқ оддий пашшанг ҳам.
Жаҳон таркиботи бирликка эга,
Бу бирлик шубҳасиз, нафасингда ҳам.

* * *

Сендан юз ўгирмоқ қайдадир, жонон,
Сендан кўз узмоқлик қайда бирор он?
“Мени ёд этмайсан”, дедингми? Тайхот!
Таётим сен билан, унутаи қачон?

* * *

Яхшилик қилсанг, ўз дилинг бахтга ёр,
Ёмонлик кўргузсанг, кўнгилда ғубор.
Ҳали қиёмат кун келгани йўқ-ку,
Яхшилик қилавер, ҳисоб не даркор?

* * *

Сўзинг авжи жунунликка ташлар каманд,
Кўп қизишиб, кишилардан кулма ҳарчанд.
Зинҳор жим бўл, сиким тупроқ қўкка учса,
Чанг бўлса ҳам чиқа олур жуда баланд.

* * *

Ким уйқу, овқатга бўларкан банда,
Мардликда сусткашу фақир, шарманда.
Нафсни енгмоқ учун сабот керакдир,
Қилич кесмас, даста бўлмаса анда.

* * *

Бу дунёда не-не фитна сурдилар,
Нафс учун ҳар қандай йўлга юрдилар,
Одоб нима билмай бир-бирин сўкиб,
Мазҳаб биносига асос қурдилар.

* * *

Дўстликдир иттифоқ бўлиб йиғилиш,
Бир-бирдан ажралмай соядек юриш,
Бу вафо базмида ундай дўстдан кеч,
Кейин келиб олдин кетса, мисли тиш.

* * *

Баъзилар келишар деб илму ҳунар,

Баъзилар келишар истаб симу зар.
Хаёл қасри ичра ҳавас нарвонин
Қай поясидалар, шунча олишар.

* * *

Сахийлик лофини урар бадавлат,
Шайх раҳнамоликни килар қироат.
Бу боғ ичра бизлар бесамар гулмиз,
Биздан талаб айлар хушбўйлик факат.

* * *

Умр ўтган жойимиз қаъба, бутхона,
Баъзан обод шаҳар, баъзан вайрона.
Жиннилик тугайди киприк юмилгач,
Ахир, минг гажакка урдик бир шона.

Мирзо Абдулқодир Бедил ҳикматлари

Сўзларига бўлса юмшоқлик бўёқ,
Ёв ҳам қилур дўстлик кўзгусин порлоқ.

* * *

Киши табиатин фош этса идрок,
Факат яхшиликка этар иштирок.

* * *

Осмон бўлсанг, ерга эгилмоқ яхши,
Тупроқ бўлсанг, кўкка интилмоқ яхши.

* * *

Таъбингда бўлса гар шодликдан асар,
Хулқинг яхшилашга енгингни шимар.

* * *

Боши фалакка тенг мағрурдир инсон,
Ўз яратганига қул бўлмиш осон.

* * *

Тўрт даҳр аро сен нури офтоб,
Етти баҳр ичра гавҳари ноёб.

* * *

Забт этайин десанг сен илму ҳунар,
Инсоф, камолни эт ўзингга раҳбар.

* * *

Кимки ғанимат деб ватандан кўчар,
Бошқага ҳам кўнгил кўёлмай ўтар.

* * *

Дадил бўл, қаҳрамонлик эрга зийнат,
Фидо бўл, саргаронлик эрга зийнат.

* * *

Сен рад этган кичик бўлак билан ҳам,
Ҳисоблашмай бўлмас кўшилса боҳам.

* * *

Дил ғимматингдан ҳаёт гулистон,
Кўл қудратингдан ҳаммаёқ бўстон.

* * *

Ҳар нарсагаким етибди ақл,
Ундан афзалсан, буни яхши бил.

Бедилнинг “Муҳити аъзам” маснавийси

Ушбу асар таклиф этилган турли манбаларда ҳар хил берилган: баъзи манбаларда таъкидланишича, ушбу асар ёзилганда шоир 37 ёшда бўлган, бошқаларида бу пайтда унинг 24 ёшда эканлиги қайд этилган. Бедилнинг ўзи бу асарни “Соқийнома” жанрида ёзилган асарларнинг сараси деб таъкидлайди. Яна муаллифнинг ўз эътирофига кўра, “ба лаҳну табки тасаввуфии навишта шуданст”, яъни тасаввуфий лаҳн (куй, овоз, куйлаш, табк-йиғи) да ёзилган.

Бу асар насру назмда ёзилган муқаддима ва 8 даврдан иборат.

Шулардан 6-даврда “Хитоб ба мутриб” деган фасл бор. Унда қонун, даф, танбур, най ва чанг каби созларнинг, шунингдек, улардан тараладиган оҳангу наволарнинг сифати ва кайфияти баён этилади. Ҳар асбоб таърифи сўнгида ҳикоят берилади.

Муסיкий созларга берилган таърифларнинг ҳам зохирий, ҳам ботиний мазмунга эга эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Лекин ҳикоятлар таркибидаги матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда ҳаётий пандлар, ахлоқий ўғитлар ва маърифий фикрлар илгари сурилган.

Хитоб ба мутриб: (60 байт).

Бу фасл “Эй муғаний, ҳозир айни жўшқин наво эшитиб, шавқ, жадд (астойдил) хурсандлик эшигин очайлик. Бенаволик йўли куйини чал, ошнолик пардаларини черт”, деб бошланади. Сознинг томирлари дил тилининг мавжидир, даф, чанг ва най дил таржимонларидир. Соз торларидан садо ришталари барпо бўлади. Тақ (ҳақидаги ўйлар) маркази ружуъ қилади. Сознинг зеру бами фуруғ (ёруғлик) ва усули эрлар (сўфийлар) наздида мажозий ҳайкириқлардир, фарёдлардир, деган хитоб билан асар бошланади.

Сифати қонун. Қонун тўфон хуруж қиладиган денгиздир. Ҳар тор титроғи (мавжи)дан бир офат барки-чақмоғи чақнайди. Қонуннинг ҳар торидан дилга

келадиган мужда-хушхабардир, чунки бу һар нафасда Ғаф томон йўлдир. Жаһон шодлигидан һузур қонундандир, севинчнинг замини, хурсандчилик осмонидир. Юзта қулоғи юз тил эгаси, юзта тили гавһар сочувчидир. Агар қонун нағмаси либоси бўлса, унинг бичими – очувчидир. Бисоти ҳайрат кўрсатишда чароғон, шамъ шуъласининг гули, торисадодир. Қонун таркибида шифонинг ўқи, маъно шарҳида навонинг ўқи бор. У қудрат хуружи денгизидан бир тилсимдир, қирғоғи ва ўртаси тил ва қулоғдир; қонун, танбур ва чангдан шундай нағма-куй тараладики, у инсонни чуқур тафаккур қилишга даъват этади, гўё дунёни айтиш ва эшитишдан ғофил бўлма, унга қулоқ ва тил бўлиб боғлан, дейилади.

Ғикоят: Қунларнинг бирида уйқуни қочириб, қонун нағмасини ўйлай кетдим, унинг торларидан таралган афсун-сеһрли нағма ниқобсиздек кўринди. Улар қасрат-қўплик мажмаи, агар ўчирсанг ваҳдат нағмаси экан; икки олам тилсими бу бир қонун бўлиб, унинг мавзўи бир оғ шуъласи экан. Юз сўздан бирида муддао бўлиб, юз йўлдан мақсад бир манзил (охират) экан.

Дафннинг сифати (86 байт).

Эй мутриб, эй дил розларининг шўҳи, кел. Лабинг оташ, наволаринг хуш шабистон чироғи. Бу соз овозидан ёқалар чок бўлди (дафннинг ташқи кўриниши таъриф қилинади). Унинг халқаси офоқнинг доми каби, дил унга асир бўлмай иложи йўқ. Наволари зақидан, севинч ишратдан нега дил ҳасрати шаһид бўлар экан?!

Ғикоят (25 байт).

Танбурнинг сифати (80 байт). Унинг ҳар торида булбул яширинган, мизробидан (нохун) у ўз минкор-тумшугини гулдан ясаган. Танбур торлари тор эмас, дилнинг фиғонидир. Унинг расо қадди наздида фалак ҳам бўлади-эгилади. Мизроби учигади неш нола билан йўғрилган, қон томизади. Нағма майи қулоқларга етганда, икки олам ғавғоси унутилади. Танбур ҳайрат қайфиятига юз нозиклик мавжини солиш қудратига эга. Оғанги сеһрли, сирлар гулзоридан тилсимли гулдаста боғлайди. Ана шу оғанг дилни нолага ошно (дилдор) қилади; у беҳудлик сарманзилига етди ҳисоб. Важду ҳол оламида томошаю, ҳайрат йўли ва хаёл қарвонидир.

Ғикоят (8 байт).

Сифати най (100 байт).

Эй мутриб, саҳар булбули, созингни чал, сенинг нағмангсиз тириклик суви аччиқ, лабингни най лабига қўйишинг хуш. Даҳр ғамини унутаилик, ҳасратобод диллардан совуқ оғ чиқариб, садо чироғига нафасни ёғ айлаб, нола қил. Най овози дилдаги дард ва бенаволик тугунларини ечади, фиғонсиз нафас чиқармайди, ошиқларинг зард-сарик рангларида сўз очади, нола қилиб, ҳайрат ёшларини тўлдиради. Агар маҳмур учун бода сузилса, соғар найнинг кўзи бўлса, ажаб эмас (бу ерда ҳайрат ҳам хомушлик ҳақида анча сўз айтилади).

Ғикоят (22 байт). Найистон гулзорида маъно илдизидан найқамиш юз нола билан ўсади, ҳар бўғинидаги сеһр, садо, нола ўйлантиради – Қарга кетяпсан?

Сифати чанг (91 байт). Эй мутриб, найранг-сеһр ғавғоси, оғангларнинг эгик-букик сочи.

Агар дуд ва шуъла бир най овози бўлса, оламда шавқ тубсиз қудуқдир. Бу созда жоду яширинган. Эгма қоши ва бошдан оёғида сирлар бор. Кетма-кет чалиб, дил тирновларингни даъволайди. Пардаларига ғам-ғуссаларни енгувчи тиғ тортиб (чанг чўпчалари), дил қулфларига қалит бўлсин. Хоғ видоё бўлсин, хоғ шавқ оғушига муғтож. Жаҳон қулфат жўшидан танг бўлса, сени чанг оғушига нағмани жо қил, чанг чалиш шундай санъатки, унинг баёни ожиз. У ҳатто томирларда фиғон кўтаради.

Чанг рукуъ ва сажда кабидур. Рукуъи-дарё гирдоби, саждаси ориф меҳробидир.

Айтилганларнинг маъноси бир ҳикоятда баён этилади. Унда шоир бир кеча ғамга чуркандим, чангнинг эгик пайкарини ўйладим, най савдосини тинглагим келди. Шу чоқ чанг навоси эшитилди. У гўё “сенинг ўз қибланг бор, агар эгилсанг ўз меҳробингга эгиласан”, дегандек эди.

Кўринадики, асардаги мусикий созларнинг таърифи ва улардан таралган оҳангу навҳалар сеҳри замирида тасаввуфий ақидалар, тимсол ва рамзлар ётади. Уларни англаш учун “ҳайрат”ни англаш лозим. Ҳайрат орифлар қалбида мулоҳаза юритишни, ўйлашни пайдо қилади. Унинг чеки йўқ илм эканлиги аён. Ҳайрат оташгоҳда ёниш чироқда, шаъмда ёнган кабидир. Мавж, хомуший, махмурий, аҳли завқ, беҳудлик, жазба каби орифлар идрокидаги тушунчалар мағзини чақмоқ зарур бўлади. Ана шундагина асардан кўзланган мақсад рўёбга чиқади. Лекин бу интилишда тасаввуфий талқинлар билан кундалик ҳаёт ва табиатдаги гўзалликлар, эзгуликлар, ахлокий тафсилларнинг уйғунлашиб кетганини ёдда сақламоқ даркордир.

Мирзо Бедил ҳақида

Олға сурилмоқчи бўлган фикрни таъкидлаш, қувватлаш ҳунарини Бедилдан ўргандим, гўзал маъноларни топа билишда Абулмаъоний шеърятининг таъсири зўр бўлди:

Нусхаи таъйид Бедилдан топиб файзи сухан,
Маъни ичра номаи иқболи томедур манго.

Мунис

Машҳур шоир ва файласуф-олим Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижоди, инсониятнинг ўтмиш насллари барпо этган энг яхши, энг нодир маданий ғалабаларнинг қонуний меросхўри бўлган халқимиз адабиёт ва ижтимоий фикрлар хазинасига дурдона бўлиб қўшилади. Авлодлар Мирзо Бедил ижодини ўқиб, унга таҳсинлар ўқийди.

И.Мўминов

Улуғ ҳинд мутафаккири ва шоири Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ижоди Ўрта Осиёда узоқ даврлардан то бизнинг замонамизга қадар ўрганиб келинмоқда, унинг инсонийлик фазилатларини тарғиб этувчи, халқлар дўстлигини тараннум қилувчи, зулмат ва зулмга қарши, маърифатга ва эркин фикрли бўлишга даъват этувчи мажоз ва истиоралар билан айтилган қимматбаҳо ваъз-насиҳатлари, баркамол бадий маҳорат билан битилган шеърӣ дурдоналари бизнинг ажойиб давримизда ҳақиқий қимматини топиб, китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда ва ўрганилмоқда.

И.Низомиддинов

Бедил инсон эркинлиги, киши тафаккурининг ҳурлигини истайди. Шоир ўз асарларида буюк гуманист, инсонпарвар, мурувватли доҳиёна истеъдод эгаси сифатида гадаланади.

Ш.М.Шомуҳамедов

Бедил инсондаги макр, хиёнат, қаллоблик, очкўзлик, хасислик, кибр каби иллатларни аёвсиз фош қилди, бу иллатлардан ўзи ҳам қўп жабрлар кўрди. Аммо шунга қарамай, инсонни Ҳазрат, дея улуғлайди ва асарларида: “Ҳар кимки, Ҳазрат Инсонни сажадага лойиқ демаса – у маълундир”,-дея ҳайқиради.

Амриддин Бердимурод

Мирзо Абдулқодир Бедил – шарқ мумтоз шеърятининг буюк сиймоларидан бири, пурмаъно форс шеърятида ўзига хос янги услубга асос солган даҳо мутафаккирдир.

А.Аҳмедов

Халқимизнинг бу буюк ватандошимизга бўлган меҳрини унга берилган “Абулмаъоний”-“Маънолар отаси” деган фахрли лақабининг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Мумтоз Шарқ шеърятининг биз катта ифтихор билан атайдиганимиз – Бедил чаманидаги анвойи гуллар дунё турғунича ўзининг тенги йўқ муаттар ҳидини сочиб тураверади, иншоолло!

Жонибек Субҳон

Мирзо Абдулқодир Бедил – поёнсиз уммондир, назм устасидир. Қўп айтса ҳам, яхши айтадир. Бугун пойтахт (Деҳлида) Рустами дostonдек машҳур ва янги-янги маъноларни топа билишга моҳирдир. Девонлари ва ҳар турли маснавийлари бор... Бизнинг замонда бирор шоир унга тенг келолмайди. Анинг вужуди шарифи ғаниматдир. Жуда ҳам хушхулқ ва вазмин кишидир.

*Миёнмуҳаммад Афзал
Сархуш, Бедил замондоши*

Поэзиянинг турли жанрларида улуғ мартабага эга бўлиб, наср йўсинида ҳам шундайдир... У шеър ёзишга киришувидан бошлаб охирги дамларигача новатор шоир сифатида амал қилди.

Ўломали Озод Балғиromий

Фақир Хужъо умри давомида (Бедил) суҳбатига минг мартадан ортиқроқ муяссар бўлиб, катта маънавий озик олганман.

Биндробаи Дос

Вафо Файзуллонинг “Сўз йўли: Бедилга бади”сидан парча

Бедил баҳори поёнсиз сабр чаманзори. Етаклайди. Йўл кўрсатади. Ишораларни англасакгина...

... Тилсимлардан дараклар келади. Оҳанг турналари “қур-ей-қур-ей”лаб қолади. Ҳаммаси инсоннинг ботинига боради.

“Барча рамзлар сен билан менда, эй инсон,

Нозик фаҳмларга бу сирли аён”.

Факат... факат...

“Ёқуб димоғидек нигоҳ пайдо қил,

Қўйлаги ишда Юсуф намоён”.

Кўз кўр, кўнгил эса ўткир. Кўнгил ичимиздаги нигоҳ. Руҳнинг неъматини, ҳаёти унинг кўлида. У неча чақиримларни бўйлайди. Айқашиб-уйқашиб ақлсизлик зулматини ёритади.

Бедил юкоридаги икки сатр даъватида мозийдаги икки умр саодатини жамлаб кўнгилни туртиб уйғотади, ҳисларни чархлайди.

Бу бизга аталган журъат қиличи. Ҳикмат дарёсининг жавоҳири. Бедил вакилликда ўзликка ишониб, ўзни тадқиқ қилишга киришилади. Тасаввур кудуғига ой акси тушади.

Инсон руҳи талотўпларини ҳаммада ўзича кўради, кўкаради. Уни ўзлаштириш қийин...

Биз кўп нарсаларнинг мағзини писандимизга олмаймиз. Уларнинг сирини бизга беш панжадай аниқ гўё. Аммо теранроқ нигоҳ солинса, биз билган сир нарсанинг тўнигина бўлиб чиқади, холос.

Бу таҳқиқ йўли.

Бедил ҳам бу йўлнинг бир ҳунарманди. Нарсаларнинг сирини “гуллайди”. Тилсимларини тиклайди, ҳамма билган тасаввурларга эса шубҳа билан қарайди, ҳеч бўлмаганда ўз тадқиқотини уларга эшик қилиб олади. Тилсимларга кўнгил қисмларини тўлдириб юради. Дунё руҳининг адоқсизлигига иймон келтиради. Инсон буларнинг барчасини билишга ожиз. Ожизлигини кучлилар сафида тан олган бўри боласи ожизми?

“Таҳқиқ йўли нозик, жуда серсабоқ,
Тушуниш қийиндир яқин бўлган чоқ.
Тупроқ не билмасанг, кечириш мумкин,
Хаёл шаъмин туби қоронғидир, боқ”.

Ростдан ҳам, тупроқ нималигини биласизми?

“Хаёл шаъми” фақир кун ўтказади. Атрофи ёрир-ёримас нималарнидир тимирскилайди.

Шаъм куртак чиқаради. Адоқсиз куртаклар-умидларимиз. Умидлар сўқмоғини ёритади. Кўнгил даласига гул экади, ҳеч замон ўтмай, уларни зулмат қозонига солади: ҳа, қайна-я, ҳув қайна... Ўргилиб-айланиб борлиқни куз қоронғилиги босади. Довул кўтарилади-да орзу япроқларининг қанча-қанча мурдасини ўзимизга кўрсатади. Боласининг отасидан олдин кетиши юракни ёнғинга ташлайди. Қул этади. Қул-аза. Орзуларга очилган аза. Аза ҳам бўза...

“Рамз гавҳарин бекорга Бедил термас ҳеч қачон,
Баҳор чечакларидан йиғиб, этмишдир уни пинҳон.
Маъно гулни минг рангда оча билган бўлса ҳам,
Тушунчаларидан бирин айта олмади ҳамон”.

Тилда унолмаган битта сўз... Икки юз йилдан буён телба бўлиб, Ғарбу Шарқни орифлик сари етаклайди. Муғанний қалбларни дарёваш оҳангга шоқир эттиради. Қалбини қосир кўрган қанча дардманднинг шифобахш бу сўзи. Дарвоқе, сўзнинг ўзи улуғ дардманд. Куйган нафас. Куйиб-куйиб оламга куй таратади. Шифо куйи.

Бўй таратади - вафо бўйи.
Ўй таратади - ибo бўйи.

Қуллӣғи Бедил: Урфон Отажон дейди

Ғафур Ғуломнинг уйидаги зиёфатлардан бирида Олим Хўжаев ҳам бўлган экан. Суҳбат давомида Бедилнинг бир байти ўкилиб, уни бир неча меҳмон турлича шарҳлабди, бу байтни ўзи қандай тушунишини Олим ака ҳам айтибди. Ғафур Ғулом ва яна кўпчилик меҳмонларга шу шарҳ анча маъқул бўлибди. Эҳтироси кучли Ғафур Ғулом беҳад хурсанд бўлиб кетиб, Бедилнинг қуллиётини олибди-да:

- Олим, шу китоб сенга совға, ўкиб юрасан. Бедилнинг энг қадимий қуллиётларидан,-дебди ва унинг: “йўқ, Ғафур ака, китоб ўзингизга керак бўлади, қўйинг”, дея илтижо қилишига қарамай, қўлига тутқазибди.

Анча вақт ўтиб, меҳмонлар тарқалишаётган пайтда Ғафур Ғулом Олим Хўжаевни эшик олдида тўхтатиб:

- Шошма Олимжон, мана бу китобингни менга ҳадя қил. Сен ҳам бир тантилик билан менга бир совға берсанг берибсан-да,-дебди. Олим аканинг қўлтиғидаги китобни кўрсатиб, шунда Олим Хўжаев кулиб:

- Ғафур ака, бу китоб Бедилнинг энг қадимий қўлёзма қуллиётларидан бири, мендан Сизга эсдалик бўлсин,-дебди.

Дўстлар кучоклашиб хайрлашибдилар.

“Шоир ва мутафаккир олим Мирзо Бедил ижодий фаолиятини ва у ҳақдаги манбаларни биласизми?” мавзусида билимдонлар беллашувини ташқил қилиш учун тавсиялар

Беллашувни ўтказишдан мақсад - Мирзо Абдулқодир Бедил ижоди, унинг таржимаи ҳоли, унинг асарлари, у ҳақда нашр этилган илмий ва бадиий асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашувни ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабаларитурли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари саволлар тузиб, уларни икки гуруҳга мўлжаллаб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида катнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини муаллифнинг алоҳида нашрларга, у ҳақдаги илмий ва бадиий асарларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Мирзо Абдулқодир Бедил ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб кўргазмаси ташқил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз.

1. Мирзо Бедил қайси рубойида инсонни “Тоғул мағлуқот” деб улуғлайди, уни кўкларга кўтариб “Ҳазрати инсон” деб атайтиди?

(Кимки паст-баландга қарагай ҳушёр,
Иблис малъунлигин тушунар бисёр.
Ким қибла билмаса Ҳазрат инсонни

Ўша лаънатланиб бўлур шармисор).

2. “Мирзо Абдулқодир Бедил” монографияси муаллифи ким?

(“Мирзо Абдулқодир Бедил” монографиясини Садриддин Айний ёзган).

3. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг қайси рубойида Бедил уч марта тилга олинган?

(Мирзо Абдулқодир Бедилнинг қуйидаги рубойида шоир номи уч марта тилга олинган).

На ёмонлик кўрдинг май, рубобдан, Бедил?

Тавба нечун истадинг меҳробдан, Бедил?

Раҳматимдан юмибсан умид кўзини,

Кўрқибсан-да, гуноҳу азобдан, Бедил)?

4. Мирзо Абдулқодир Бедилнинг “Комде ва Мудан” достонини ўзбек тилига ким таржима қилган?

(Мирзо Абдулқодир Бедилнинг “Комде ва Мудан” достонини ўзбек тилига Назармат таржима қилган).

5. Ушбу келтирилган парча Бедилнинг қайси асаридан олинган?

Моҳир куйчи, жозибали зўр чангда,
Кўшиқ куйлар ўзгача бир оҳангда:
Ҳинд элида бўлган эди бир подшоҳ,
Гул узукли, кийган чамандек қулоҳ,
Базму шавқдан мулки ҳаддан ошганди,
Гулшан каби гуркураб у, тошганди;
Баҳордай кенг қулоч ёзиб ҳашамат,
Дабдабага юз тутганди салтанат;
Кайфу сафо, бўлиб даври айёми,
Ою йилдек айланарди май жоми;
Унинг куни-нозанинлар висоли,
Оқшомидир қорасочлар мисоли.

(Юқорида келтирилган парча Бедилнинг “Комде ва Мудан” достонидан олинган).

6. Бедилнинг қайси ғазалларини Э.Воҳидов таржима қилган.

(Э.Воҳидов Мирзо Абдулқодир Бедилнинг “Бўлибдир ғамга ошён маскани дил”, “Заҳм ўлди яна чашми пуроб ўлди бизим дил”, “Паришон хотирим деб ғам яралмиш” ғазалларини ўзбек тилига таржима қилган).

7. Ушбу келтирилган парча Бедилнинг қайси ғазалидан олинган ва уни форс тилидан ким таржима қилган?

Кўнглум ҳар бир зарраси ҳижронда жоним бўлғуси,
Ёрни ёд айлаб фиғон сарви равоним бўлғуси.

Ишқ лафзи боиси тилларга тақсим бўлди илм,
Бир сўзимни сўйласам, минг дostonим бўлғуси.

(Юқорида келтирилган парча Бедилнинг “Кўнглум ҳар бир зарраси ҳижронда жоним бўлғуси” ғазалидан олинган ва уни форс тилидан Матназар Абдулҳаким таржима қилган).

8. Бедилнинг йирик асари қайси ва у ҳақда гапириб беринг?

(Бедил 120 минг мисрадан ортиқ шеърӣй, насрий асарлар ёзган. Ѓазал, рубоӣй, қасида, китъа, таржиъбандларининг ўзи 75 минг мисрани ташкил этади. Йирик асари “Чор унсур” (“Тўрт унсур”, 1703) насрда ёзилган бўлиб, шеърлар ҳам илова қилинган. Китобининг дастлабки бобларида Бедил ўз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Сўнгги икки бобда эса, тўрт унсур – ҳаво, сув, ер, олов тўғрисида; ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақида сўзлайди. Мутлақ руҳ ва нарса тўғрисида гапиради, дин ҳамда руҳонийларнинг ўрни ҳақида ўз фикрларини ифодалайди).

9. Бедилнинг “Комде ва Мудан” достонида қандай масалалар акс эттирилган?

(Бедилнинг “Комде ва Мудан” достонида дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолат, илм-маърифат масалалари акс эттирилган).

10. “Икки дил достони” сценарийси қандай ва кимлар томонидан яратилган?

(Шоир Назармат томонидан “Комде ва Мудан” нинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва шу ажойиб лирик дoston асосида таниқли ёзувчи Ш.Р.Рашидов ҳамда кинодраматург В.Виткович томонидан, ижодий ҳамкорликда “Икки дил достони” сценарийси яратилган).

11. Бедил асаридан қуйида келтирилган парча маъносини айтиб беринг?

Ёрон ба вафоқ агар қадам мешкананд,
Жайши арабу сафи ажам мешкананд.
Аз қудрату иттифоқ, гофил нашави,
Дандонҳо санггро баҳам мешкананд.

(Юқорида келтирилган парчанинг маъноси: агар ёронлар бирдамлик билан қадам ташласалар чет эл босқинчиларининг идора усули ва сафи тор-мор бўлғусидир; иттифоқнинг қудратидан гофил қолма, эсингда тутгилки, тишлар бирлашиб тошни синдурур).

12. Бедилнинг ҳикматли сўзлар, оқилона маслаҳатларни ўз ичига олган шеъридан бир парча келтиринг ва маъносини айтиб беринг.

Бо бадгуён ошнои макун,
То аз некон бегоначи нагузини.
Бо қафон оина мутаважжуҳ мабош,
То ҳайъати худро мунқалиб набини.

Маъноси: яхши-неқ кишилардан ажралмай десанг, ёмонлар-ғийбатчилар билан дўст-ошно бўлма, ўз тасвирингни тўғри кўрмоқчи бўлсанг, ойнанинг орқасига боқма.

13. Қайси адабиётшунос олим Бедил шеърларини ўқиб юпанган, ўзига улардан тасалли топган?

(Адабиётшунос олим С.Айний Бедил шеърларини ўқиб юпанган, ўзига улардан тасалли топганлардан биридир).

14. Ўзбекистонда Бедил ижоди бўйича илмий тадқиқотларни кимлар олиб борган?

(Ўзбекистонда Бедил ижоди бўйича И.Мўминов, И.Низомиддинов, Ш.Шукуров ва бошқалар олиб борганлар).

15. Бедилнинг ёшлиқ ва баркамоллик йиллари ҳақида нималарни биласиз?

(Бедилнинг ёшлиқ йиллари Шоҳжаҳон салтанати замонида, баркамол йиллари эса Аврангзебнинг ярим асрлик ҳукмронлиги (1658-1707) даврида ўтган).

16. Бедилнинг ижоди билан қайси Европа олимлари шуғулланган?

(Бедилнинг ижоди билан Европа олимлари ҳам шуғулланганлар. Жумладан, италия олими Александро Баузани, чех шарқшуноси, академик Ян Рипка, немис олими Вильелм Ҳанцлар шуғулланган).

17. Бедилнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотни қайси шоирнинг тазкирасида учратиш мумкин?

(Бедилнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дастлабки маълумотни шоирнинг замондоши Шерхон Лудийнинг “Миръот ул-хаёл” тазкирасида учратиш мумкин).

18. Фуркат Бедилнинг қайси ғояларини ўрганган?

(Фуркат Бедилдан фан, маърифат, халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳақидаги ғоясини ўрганган).

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совғалар тариқасида китоблар, гуллар ва эсдалик совғалари топшириш мумкин.

Бедилхонлик танловини ташкил қилишга тавсиялар

Танловнинг мақсади китобхонларни Мирзо Абдулқодир Бедилнинг ғазалларига кизиқишларини оширишдан иборат.

Танловда мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалаврият ва магистратура талабалари ҳамда адабиёт мухлислари катнашишлари мумкин.

Танлов ташкилотчилари катнашувчиларга бериладиган шартларни тузиб чиқадилар. Ҳар бир катнашувчи ўқимокчи бўлган ғазали мавзусини, ким томондан ўзбек тилига таржима қилинганлигини ҳам билишлари керак.

Танлов ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида Мирзо Абдулқодир Бедил ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи китоб-суратли кўргазма ташкил этишни тавсия қиламиз. Шунингдек, Бедил ғазаллари билан айтилган мумтоз қўшиқларнинг видеотасмаларини ёки видеофильмларда қуйланган ғазалларни намойиш этишларини тавсия қиламиз.

Қуйида танловда айтиладиган ғазаллардан намуналар келтирамиз.

1-рақамли катнашувчи: Бедилнинг “Толеимизни қалам битмиши мубҳам эрур” ғазали форс тилидан Матназар Абдулҳаким таржимаси.

Толеимизни қалам битмиши мубҳам эрур,
Дардларимиз дафтарин ҳар варағи нам эрур.

Қичқириғи қушнинг ишқ дарди эмас, кетса ўт,
Дуду олов ноласи, англа, не мотам эрур.

Шарм тери тепгисин, айт, неча манманлигинг,
Ҳар нафасим ойнаси тонг била шабнам эрур.

Маҳрамингни йўқлик эт, тушма ҳилол ҳолига,
Кўкка қилиб бошни сарф, қомати сўнг ҳам эрур.

Ёра юрак дон эрур, қорнинг ила кифтларинг,

Янчса уни, ушбу ун дардлара малҳам эрур.

Ҳирсу таъма маънисин кўзгу дебон очма фол,
Кафтдаги ёзғут каби мужмалу мубҳам эрур.

Чикса нафасдин нима, учди ҳавас елига,
Нағмаи созинг билан энди у маҳкам эрур.

Толиби вайроналар топди жунундан паноҳ,
Аслида жаннат деган хона беодам эрур.

Накшу адаб, илму бахт, килма увол бир даминг,
Шишигар олган нафас мисли у байрам эрур.

(Ғазал қисқартирилиб берилди)

2-ракамдаги катнашувчи: Бедилнинг “Кўнглим ҳар бир зарраси ҳижронда жоним бўлғуси” ғазали форс тилидан Матназар Абдулҳаким таржимаси.

Кўнглим ҳар бир зарраси ҳижронда жоним бўлғуси,
Ёрни ёд айлаб фиғон сарви равоним бўлғуси.

Ишк лафзи тилларга тақсим бўлди илм,
Бир сўзимни сўйласам, минг достоним бўлғуси.

Лаззати васлинг умидим ҳайратин бир сеҳридир,
Ҳар изим пойингни ўпмакка даҳоним бўлғуси.

Айлабон парвоз висол шавқи этар тарк бизни, оҳ,
Тилга етгунча юракдан ишк фиғоним бўлғуси.

Нозларнинг дастидан гар тортса нозик коматим,
Кўзгу дарзи мисли аксим бир нишоним бўлғуси.

Мен кўчиб кафтларга гул япроғидан, бўлдим хино,
Ўз юзим, рангим кетибким, ўз хазоним бўлғуси.

Ўз ўзимни тарк этиб ким бўлмоғим айтмай кўяй,
Кетса бир заррам ўзимдан бир жаҳоним бўлғуси.

Бил, хумо парвозидан мақсад ёниб шаҳд айламак,
Сояси ёккан мени, то устихоним бўлғуси.

Бил, қуруқ гап сиртмоғиндан афзал урфон эркидир,
Ҳар не юксалса ўзингдан, нардибоним бўлғуси.

Мен қадаҳман, ишк аро теккан маломат тошлари,
Кўз ёшим ичдан эзиб, номуҳрибоним бўлғуси.

Бедил, оҳ, ишк мулкида мен жим ёниб сир сақладим,
Сурма ҳам ишк дудига ўхшаб, забоним бўлғуси.

3-катнашувчи: Бедилнинг “Кибр ила мардлик ғурурин юки барҳам бўлғуси”
ғазали форс тилидан Матназар Абдулҳаким таржимаси.

Кибр ила мардлик ғурурин юки барҳам бўлғуси,
Токи манманлик зиёд, шарму ҳаё кам бўлғуси.

Хом сут эмган, на илож, эл оғзига тутманг элак,
Мулзам этмак истаганлар элни, мулзам бўлғуси.

Ўтди айём, этмагай ор эни халқ тақлиддан,
Сал кўйиб берсанг-чи, ҳар тош Исо, Марям бўлғуси.

Ниш урар мажнун хаёл, илдиз ёйиб найранг қилар,
Тортса бош бўғдой агар жаннатдан, одам бўлғуси.

Шаъм ёниб куймак билан ҳам равшану ҳам доғдир,
Дилда ҳам шодлик ва ғам, тўй ҳамда мотам бўлғуси.

Исламанг ишқни қуруқ гап-сўздан ҳеч, огоҳ бўлинг,
Бирга тугён қилса жуфт дил, икки олам бўлғуси.

Тенг тарозудир адолат, эй фақир, қўл урмағил,
Ҳурматингга оғса бир ён, неъмат кам бўлғуси.

Мисли тасбеҳ шодасиман, кечса бир донам агар,
Бошқа донам ўтмагининг навбати ҳам бўлғуси.

Феъли поклар хислатин ўзгартар, айнитмас фано,
Пахта ҳам куйгач, жароҳатларга марҳам бўлғуси.
(Ғазал қисқартирилиб берилди).

4-рақамдаги катнашувчи: Бедилнинг “Агарки дил маҳви муддао айлар”
ғазали форс тилидан Ж.Субҳон таржимаси.

Агарки дил маҳви муддао айлар,
Мақсудимизни-чи, дид даво айлар.

Дард тамаъси етса мақсадликка то,
Ҳумоликка ҳар чивин даъво айлар.

Зулфи асрорин унинг маҳв этгани
Гул томири доми муддао айлар.

Гар видо этгум деса ғирсу ҳавас,
Гавҳарин дил тугуни адо айлар.

Ваҳм занжирин кузатса гар ҳавас,
Ҳама саҳрою тоғни ҳаво айлар.

Касалманд оҳимиз эҳроми бугун
Ҳавомиз гардини асо айлар.

Агар восвос солар бўлса тугунин,
Осуда дил домликни ҳатто, айлар.

Бедилимиз камоли барқ урур гар,
Ой гардишин юлдузга ато айлар.

5-ракамдаги катнашувчи: Бедилнинг “Бўлибдур ғамга ошён маскани дил”
ғазали, форс тилидан Эркин Воҳидов таржимаси.

Бўлибдур ғамга ошён маскани дил,
Шу боис ғам келур, сўрсам: кани, дил?

Кўзим мақсуди васлинг-у, кани кўз?
Дилим ёди ғаминг, аммо кани дил?

Адашган карвонга кўнғироқчам,
На куйлар куйламасдан нолани дил?

Киши йўқдир кишига зору муҳтож,
Вале дил тутганидир домани дил.

Қадам кўйганда хоки турбатимга
Бўл огоҳким, оёғинг босгани дил.

Агар-чи сувратим Бедилдир, аммо
Қилур бошдин-оёқ ашким мани дил.

Танлов якунини ҳакамлар маълум балл кўйиш билан якунлайдилар. Бунда ғазалларнинг маъно ва мазмуни, айтувчининг ижрочилик маҳорати ҳам эътиборга олинади. Ҳакамлар ҳайъатига адабиёт ўқитувчилари, ёзувчилар ва шоирлар, адабиётшунослар, журналистлар, санъаткорлар, таржимонлар таклиф этилади. Ҳолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар билан ўзаро алоқа ўрнатиб, улар билан ҳамкорликда қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мумкин.

“Шарқ мумтоз шеърятининг буюк сиймоси” мавзусида китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирни тўлдиради.
Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Бедил Мирзо ҳаёти ва фаолиятининг саҳифалари

Буюк Туронда туғилган, аммо тақдир тақозоси билан ҳаёт фаолиятлари дунё миқёсидаги катта жараёнларга қўшилиб кетган, шу туфайли номлари жаҳон тарихи саҳифаларида муҳрланиб қолган қўплаб улуғ аждодларимиз бор.

Амриддин Бердимурод

Бу бўлимга Бедил Мирзо ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги форс, ўзбек, рус тилларидаги нашрлар қўйилади.

2. Забардаст шоир

Дарёдан ҳар ким ўз ташналигича яраша сув ичади,
парвоздаги қуш ҳам осмоннинг бор баландлигини забт эта
олади. Бедил ҳазратлари шеърини дарё кабидир, осмон
янглиғдир.

Матназар Абдулҳаким

Бу бўлимда Бедил Мирзонинг ғазаллари, рубоийлари, ҳикматлари,
дostonлари ҳамда вақтли матбуотлар саҳифаларида чоп этилган манбалар
намойиш этилади.

3. Бедил замонасининг фозил фарзанди.

Мирзо Абдулқодир Бедил ўтмишининг забардаст
мутафаккирларидан бўлиб, Ўрта Осиё халқлари
орасида кенг шуҳрат қозонган.

И.Мўминов

Бу бўлимда Мирзо Бедил ҳақида ёзилган илмий ва оммабоп нашрлар ҳамда
вақтли матбуот саҳифаларида у ҳақда чоп этилган материаллар намойиш
этилади.

Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Илмий-амалий конференция

1. “Бедил Мирзо шеърини ўзбек тилида”.
2. “Мирзо Бедил ва Садриддин Айний”.
3. “Ўзбекистон бедилшунослари”.
4. “Мирзо Бедил ҳаёти ва фаолиятига бир назар” каби мавзуларда;

“Шоир ва мутафаккир” каби мавзуида китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги
адабиётлар обзори

Китобхонлар конференцияси

1. “Комде ва Мудан” достони юзасидан.
2. “Шоир-файласуф”.
3. “Ўрта Осиёда бедилшунослик” каби мавзуларда.

“Бедил-файласуф”, “Буюк мутафаккир”, “Бедил чамани” каби мавзуларда
китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори

Савол-жавоб кечаси

1. “Мирзо Бедил ғазалларини биласизми?”
2. “Бедил Мирзо асарларини биласизми?” каби мавзуларда.

“Бедил рубоийлари”, “Бедил улуғ шоир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Мирзо Бедилнинг жамиятшунос ва табиатшунослик фаолиятига бир назар”.
2. “Бедилшуносларни биласизми?”
3. “Бедил ва фалсафа” - каби мавзуларда;

“Буюк сиймо”, “Шоир ва мутафаккир”, “Шоир ва олим” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Мирзо Бедилнинг Садриддин Айний ижодий фаолиятига таъсири”.
2. “Мирзо Бедил асарларининг ўзбек тилига таржимаси”.
3. “Ўзбекистон бедилшуносларининг фаолияти” каби мавзуларда.

“Бедил - ҳамиша барҳаёт”, “Бедил - донишманд шоир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори

Мавзули кеча

1. “Мирзо Бедил ижодида инсон мавзуининг қаламга олиниши”.
2. “Мирзо Бедилнинг фалсафий-дидактик асарлари”.
3. “Мирзо Бедил ижодида ҳаётбахш ғоялар” - каби мавзуларда.

“Мирзо Бедил ғазаллари эзгуликка даъватдир”, “Мирзо Бедил улуғ шоир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори

Мунозара кечаси

1. “Мирзо Бедил ижодида табиат ва жамиятнинг қаламга олиниши”.
2. “Мирзо Бедил ижодида инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ғояларининг акс эттирилиши”.
3. “Мирзо Бедилнинг ижод лабораторияси” каби мавзуларда.

“Улуғ форс-тожик адабиётининг зукко шоири”, “Мирзо Бедилнинг адабий мероси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори

Хотира ва қадрлаш соати

1. “Мирзо Бедил ҳикматлари”.
2. “Мирзо Бедил асарлари - барҳаёт”.
3. “Мирзо Бедил адабий мероси” каби мавзуларда.

“Мутафаккир ва олим ижоди - барҳаёт”, “Сўнмас садо” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва кўргазмадаги адабиётлар обзори

Учрашув кечаси

Мирзо Бедил шеърларини, панд-насиҳатларини ўзбек тилига таржима қилган ва нашрга тайёрлаганлар, шунингдек, илмий мақолалар ёзган, унинг ғазалларини қўшиқ қилиб қуйлаган санъаткорлар билан:

а) Мирзо Бедил асарларининг таржимонлари билан:

1. Матназар Абдулҳаким.
2. Жонибек Субҳон.
3. Эркин Воҳидов.

б) У ҳақда илмий мақолалар ёзган олимлар билан:

1. Суйима Ғаниева.
2. Нажмиддин Комилов.
3. Иброҳим Ҳаққул.

в) Мирзо Бедил ҳақида мақола ёзганлар билан:

1. Амриддин Бердимурод.
2. Вафо Файзулло.

Адабиётлар

Бедил Мирзо Абдулқодир. Комде ва Мудан /Назармат таржимаси.-Т.: Ўзадабийнашр, 1960.-95 б.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Рубойилар/ Ш.Шомуҳамедов тарж.; Сўз боши ва муҳаррир И.М.Мўминовники; Тузувчи Р.Ходизода; Рассом Р.Ҳакимов.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.-107 б.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Рубойилар /Кириш сўзи ва тарж. Ш.Шомуҳамедовники; Ред.кол. Э.Т.Аҳмадхўжаев ва бошқ.; Тузувчи Р.Ходизода.-Т.: Ўзбекистон, 1985.-112 б.; расм.-(Шарқ классиклари меросидан).

Бедил Мирзо Абдулқодир. Такаллум: Ғазаллар /Форсийдан Матназар Абдулҳаким тарж. - Нукус.-Қорақалпоғистон, 1995.-68 б.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Шавқингни ёд этиб...: Ғазаллар, рубойилар ва достон /Тўплаб нашрга тайёрловчи Жонибек Субҳон.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.-144 б.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Ҳумо парвози: Ғазаллар /Форсийдан Матназар Абдулҳаким тарж.-Т.: Янги аср авлоди, 2007.-96 б.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Оҳ, жилвасини анинг никоб сотар...: [Ғазаллар] //Туркистон.-1993.-27 июль.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Рубойилар //Қишлоқ ҳаёти.-1996.-16 янв.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Сизларга керакмаслар - Бизларга кераклардир: [Шеърлар] //Савдогар.-1996.-30 апр.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Осмон бўлсанг, ерга эгилмоқ яхши: Ўикматлар /Нашрга тайёрловчи Ш.Шомуҳамедов //Тошкент оқшоми.-1998.-4 сент.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Дил ғимматингиздан ҳаёт гулистон: Ўикматлар /Нашрга тайёрловчи Ш.Шомуҳамедов //Тошкент оқшоми.-1998.-11 сент.

Бедил Мирзо. Рубоийлар //Даракчи.-2000.-13 янв.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Ўар зарранинг аслинда қарор топди бир офтоб /Форс тилидан Матназар Абдулҳаким тарж. //Шарқ юлдузи.-2000.-№1.-Б.113-115.

Бедил Мирзо Абдулқодир. Ишқ сирини пинҳон тутиш осон эмас; “Бу давра асл сўзларга маҳзандаҳан эрди”: [Шеърлар] /Форсийдан Матназар Абдулҳаким тарж. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001.-8 июнь.

Мўминов И. Мирзо Бедил.-Т.: Ўзфаннашр, 1964.-75 б.

Мўминов И. Мирзо Бедил: Дунёқараш.-Т.: Ўзбекистон, 1974.-127 б.

Низомиддинов И. Мирзо Абдулқодир Бедил.-Т.: Ўзбекистон, 1970.-31 б.

Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққийети.-Т.: Фан, 1968.-481 б.

Шукуров Ш. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси /Масъул муҳаррир В.Валихўжаев.-Т.: Фан, 1970.-127 б.

* * *

Абдулқодир Бедил: Шоир ва мутафаккир олим ҳақида (1644-1721) //Тошкент Ўафтаномаси.-2002.-14 март.

Аҳмедов А. Ўазрати инсонни қибла деб билди: [Мирзо Бедил ҳақида] //Қишлоқ ҳаёти.-1999.-25 май.

Бердимурод Амриддин. Бедил: Қилични қаламга алмаштирган юракни ёрга ҳадя этган шоир, файласуф, сўфий // Даракчи.-200.-14 сент.

Вафо Файзулло. Сўз йўли: Бедилга бадиа //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1994.-15 июль.

Комилов Н. Бедил //Ўзбекистон миллий энциклопедияси 1-жилд. А-Бешбалиқ /Таҳрир ҳайъати М.Аминов, Б.Аҳмедов, Ў.Бобоев ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2000.-Б.676-677.

Урфон Отажон. Куллийети Бедил //Қишлоқ ҳақиқати.-1993.-11 май.

Ўаниева С. Бедилнинг “Ирфон” маснавийсидан бир ғикоятнинг (“Комде ва Мудан”) русча таржимаси //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2005.-№4.-Б.177-179.

Ўаниева С. Бедилнинг “Муҳити Аъзам” маснавийси //Имом ал-Бухорий сабоқлари.-2005.-№4.-Б.179-180.

Ўаққул Иброҳим. Бедилшунос Садриддин Айний //Ишонч.-2003.-19 авг.